

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқи
УДК: 336.2: (575.1)**

ЖУМАЕВ ШУХРАТ

**ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ
МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”


**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (РњД) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д.(DSc.), Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Тошкент шаҳри-2023 йил



Кириш	3
1 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	13
1.1. § Йирик солиқ түловчиларнинг моҳияти, гурӯҳланиши ва аниқлаш мезонлари	13
1.2. § Йирик солиқ түловчиларни соликка тортишнинг назарий асослари	28
1-боб бўйича хуносалар	39
2 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТҮЛОВЧИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ТАҲЛИЛИ	42
2.1. § Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ түловчиларни соликка тортиш маъмурчилигининг шаклланиши	42
2.2. § Йирик солиқ түловчиларнинг бюджет-солиқ тизимидағи фискал хусусиятлари таҳлили	56
2.3. § Йирик солиқ түловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва унинг самарадорлиги таҳлили	70
2-боб бўйича хуносалар	91
3 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТҮЛОВЧИ КОРХОНАЛАРГА НИСБАТАН СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	94
3.1. § Солиқ тизимида йирик солиқ түловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга ошириш хориж тажрибаси ва унинг қиёсий таҳлили	94
3.2. § Ўзбекистон солиқ тизимда йирик солиқ түловчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва тартиблашда солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини ошириш йўналишлари	106
3-боббўйича хуносалар	122
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	126
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	130
ИЛОВА	

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланаётган ва ўтиш даврини кечираётган мамлакатлар тажрибаси йирик солиқ тўловчиларнинг қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш маълум хавфларни бартараф этиб, солиқ қонунчилигини ошириш ва солиқ маъмурчилигининг янада самарали бўлишини таъминлашини кўрсатмоқда. “Пандемия муносабати билан кўплаб мамлакатлар солиқ йиғиш эрозиясини бошдан кечирмоқда, бу иқтисодий фаолиятнинг пасайиши ва солиққа риоя қилишнинг мумкин бўлган ёмонлашувини акс эттиради. Аксарият солиқ маъмуриятлари солиқ тўловчилар билан деярли юзма-юз алоқа ўрнатмай, масофадан ишлашга ўтишга мажбур бўлди”¹. Бугунги кунда йирик солиқ тўловчи мажбуриятларини баҳолаш, солиқ маъмуриятчилигининг асосий функцияларига янги ахборотлаштирилган тизимларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш, йирик солиқ тўловчиларга аудит ва солиқ назоратини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини тўлиқ бажариш, назорат функцияларини тармоқлар бўйича тузилмалаш, қоидаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиши масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

¹ IMF Working Paper. Fiscal Affairs Department. Raising Tax Revenue: How to Get More from Tax Administrations? Prepared by Eui Soon Chang, Elizabeth Gavin, Nikolay Gueorguiev, and Jiro Honda. Authorized for distribution by Nikolay Gueorguiev and Katherine Baer. July 2020.